

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.FiL/Ped.83.01.
РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

ОЧИЛОВА НИЛУФАР НОМОЗОВНА

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ИЛМЙ МАТНИДА ЭМОЦИОНАЛ -
ЭКСПРЕССИВ МАЗМУН ИФОДАСИНИНГ ДИСКУРСИВ -
ПРАГМАТИК ОМИЛЛАРИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик (филология фанлари)**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on philological
sciences**

Очилова Нилуфар Номозовна

Инглиз ва ўзбек илмий матнида эмоционал-экспрессив мазмун ифодасининг
дискурсив-прагматик омиллари (инглиз ва ўзбек тиллари материалида) 3

Очилова Нилуфар Номозовна

Дискурсивно-прагматические факторы выражения эмоционально-
экспрессивного содержания в английском и узбекском научном тексте
(на материале английского и узбекского языков)..... 29

Очилова Нилуфар Номозовна

The discursive-pragmatic factors of expression of emotional-expressive content
in English and Uzbek scientific text (on the English and Uzbek language material) ..55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 59

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.FiL/Ped.83.01.
РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

ОЧИЛОВА НИЛУФАР НОМОЗОВНА

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ИЛМЙ МАТНИДА ЭМОЦИОНАЛ -
ЭКСПРЕССИВ МАЗМУН ИФОДАСИНИНГ ДИСКУРСИВ -
ПРАГМАТИК ОМИЛЛАРИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик (филология фанлари)**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2. PhD/Fil1305 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Самарқанд давлат чет тиллар институти веб – sahifasining www.samdchi.uz ҳамда «Ziyounet» Ахборот – таълим порталининг www.ziyounet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Сафаров Шаҳриёр Сафарович филология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Киселёв Дмитрий Анатольевич филология фанлари доктори, доцент Мажидова Раъно Уришовна филология фанлари доктори, доцент
Етакчи илмий муассаса:	Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд Давлат чет тиллари институти ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD 03/30.12.2019.Fil/Ped 83 01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «2» сентябр соат 12 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд ш., Бўстонсарой кўчаси, 93-уй. Тел: (99866) 238-29-37, факс (99878) 210-00-18; e-mail: info@samdchi.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат чет тиллари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (6095 рақами билан рўйхатга олинган.) Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд ш., Бўстонсарой кўчаси, 93-уй. Тел: (99866) 238-29-37

Диссертация автореферати 2022 йил «2» сентябр кунинда тарқатилди. (2022 йил «2» сентябр даги 38 рақамли реестр баённомаси).



[Handwritten signature]

И.М.Тухтасинов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, педагогика фанлари доктори, профессор

[Handwritten signature]
[Handwritten signature]

Ғ.Қ.Мирсанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари доктори, доцент

Н.З.Насруллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси ўринбосари, филология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигининг сўнги йиллардаги тараққиётида мулоқотнинг кечиши ва нутқий фаолият билан боғлиқ лингвистик ҳодисалар таҳлилига оид тадқиқотлар салмоқли ўрин эгалламоқда. Замонавий тилшуносликда матнларни шакллантирувчи омилларни аниқлаш ва уларнинг табиати, функционал хусусиятларини изчил ўрганиш масаласи тобора долзарблашиб бормоқда. Айниқса, мулоқотнинг прагматик ва дискурсив хусусиятлари бугунги кун тилшунослари тадқиқи учун алоҳида аҳамият касб этиб келмоқда. Бу эса, ўз навбатида, инсонлараро муносабат андозаларини шакллантирувчи лисоний механизмлар мажмуасини аниқлаш ҳамда коммуникатив мақсадга эришишни таъминловчи тамойилларни белгилашга хизмат қилиб келмоқда.

Дунё тилшунослигида тилнинг турли сатҳларига оид экспрессивликни ифодалашга мўлжалланган воситаларнинг прагматик мазмунни воқелантирувчи имкониятлари, айниқса, уларнинг илмий матнлар таркибида бажарадиган вазифалари тўлиқ ёритилмаган. Шунингдек, экспрессивлик ҳодисасининг лисоний ва нолисоний қирралари ҳамда уни илмий матннинг бошқа категориал белгилари билан муносабати етарлича ўрганилмаган. Ушбу ҳолат экспрессивлик ҳодисаси тадқиқи жараёнида янгича ёндашувлар, таҳлил моделларини жалб қилиш эҳтиёжини туғдиради. Жумладан, тилшунослар олдида экспрессивлик илмий матн учун тасодифий эмас, балки зарурий хусусият эканлигини исботлаш вазифаси турибди. Юқорида келтирилган ҳолатлар тадқиқ учун танланган мавзунинг долзарблигини белгилайди. Зеро, илм – фаннинг ҳозирги жадал ривожини ҳамда мамлакатлараро илмий алмашинувларнинг кўлами кенгайиб бораётган бир пайтда шу соҳага оид матнларнинг дискурсив – прагматик моҳиятини аниқлаш зарурати юзага келган.

Республикамиз мустақилликка эришган кундан бошлаб бутун дунё илм аҳли билан ҳар томонлама алоқалар ўрнатилиши давр талабига айланди. Бу, албатта, мамлакатимиз илму–фан соҳаларининг жаҳон стандартларига мос равишда ривожланиши ҳамда оламшумул илмий натижаларга эришишга мустаҳкам замин яратмоқда. “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Президент Фармонида¹ белгилаб қўйилган илмий ишларни рағбатлантириш, инновация фаолиятини такомиллаштириш вазифаси тилшунослик ривожини учун кўшимча имкониятлар яратади ҳамда мазкур соҳада чуқур ва янги изланишлар олиб боришни тақозо этмоқда. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ўзбек миллий тилшунослигида кейинги йилларда илмий мулоқот моҳиятини ўрганиш борасида қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Экспрессивлик категориясининг илмий матнлар доирасида акс топиши муаммоси кенг

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони/<https://lex.uz/uz/docs/5841063>, 2022 йил, 28 январь

кўламли лингвистик тадқиқини топмагани ушбу мавзуни инглиз ва ўзбек тиллари қиёсида тадқиқ этиш заруратини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ – 60 – сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ – 5647 сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизими 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2018 йил 5 июндаги ПҚ – 3775 сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора–тадбирлар тўғрисида”, 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117 сон “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора – тадбирлари тўғрисида”ги қарорларида ва ушбу соҳага тегишли бошқа меъёрий–ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган вазифаларнинг бажарилишига мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириши йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Эмоционал – экспрессив мазмунни ифодалаш табиий тилнинг объектив хусусиятларидан биридир. Экспрессивлик ҳодисаси ва уни ифодаловчи воситалар таҳлили тилшунослар диққатини кўпдан буён жалб қилиб келмоқда. Жумладан, И.Р. Гальперин, Л.В. Славгородская, И.В. Арнольд, Е.М. Вольф, J.R. Searle, M. Foucault кабиларнинг ишларида экспрессивлик категориясининг умумий жиҳатлари ёритилган².

Н.М. Разинкина, М. Ҳақимов ва бошқа олимларнинг қатор ишларида экспрессив мазмуннинг илмий матнда фаоллашувига оид муаммолар муҳокама қилинган³.

Н.Я. Милованова ва М. Мукаррамовларнинг диссертацион тадқиқотларида экспрессив элементларнинг матннинг қайси жанрга оидлигига нисбатан қўлланишидаги фарқли жиҳатлар аниқланган.⁴ Айрим

²Foucault M. The incitement to discourse // The discourse Reader - L.: Routledge, 2001. – P. 514-522; Searle J.R. Expression and meaning. – Cambridge: CUP, 1979; И.Р. Гальперин. Информативность единиц языка. – М.: Наука, 1974; Арнольд И.В. Интерпретация художественного текста: типы выдвижения и проблема экспрессивности // Экспрессивные средства английского языка – Л., 1975. – С. 11-20; Славгородская Л.В. Научный диалог (лингвистические проблемы) – Л., 1986; Вольф Е.М. Функциональная семантика оценки. – М.: Едиториал УРСС, 2002.

³ Разинкина Н.М. Развитие английской научной литературы. – М.: Наука, 1978; Разинкина Н.М. Функциональная стилистика английского языка. – М.: Наука, 1989; Ҳақимов М. Ўзбек илмий матннинг синтагматик ва прагматик хусусиятлари. Филол. фан. номз.... дисс. Автореферати. – Т., 1994. – 24 б.

⁴ Милованова Н.Я. Экспрессивность в стиле научной прозы. Дисс.... канд. филол. Наук. – Пермь, 1997; Мукаррамов М. Научный стиль современного узбекского литературного языка в семантико-функциональном аспекте. Автореф. дисс.... докт. филол. наук. – Т, 1985. – 45 с.

диссертациялар муаллифлари экспрессив воситаларни тилнинг турли сатҳларига оид бирликлар ёрдамида шаклландирган тизим сифатида талқин қилишиб, ушбу тизимнинг марказини экспрессивлик категориясини кенг қўламда воқелантирувчи лексик бирликлар эгаллашини таъкидлайдилар. Тадқиқотчиларнинг фикрича, синтактик воситалар тизимнинг сарҳадларидан жой олади.⁵

Хуллас, экспрессивлик категориясининг илмий матн марказида намоён бўладиган хусусиятлари таҳлил қилинган ишларнинг сони жуда кам. Шу жумладан, ушбу ҳодисанинг инглиз ва ўзбек тилларида битилган матнларда воқеланиши билан боғлиқ муаммолар таҳлил қилинмаган. Бундан ташқари, экспрессивликнинг илмий матнда воқеланиши муаммоси асосан лингвостилистик нуқтаи назардан ўрганилган. Ҳозирги пайтда илмий матннинг когнитив–дискурсив ёндашув татбиқида таҳлил қилишга бўлган зарурат кучаймоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат чет тиллар институтининг “Тил ҳодисаларининг функционал–семантик ва прагма–когнитив таҳлили муаммолари” мавзусида илмий–тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инглиз ва ўзбек илмий матнида экспрессивликни воқелантирувчи омил ва воситалар мажмуасини ҳамда уларнинг имкониятларини дискурсив-прагматик ёндашув нуқтаи-назаридан очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

илмий матнларнинг илмий коммуникация тамойил ва вазифалари негизида шартланган лисоний ва нолисоний хусусиятларини аниқлаш;

матн тилшунослигида синовдан ўтган амаллар татбиқида илмий матнни шакллантирувчи дискурсив қонуниятларни фарқлаш ва ушбу турдаги матннинг категориал белгилари табиатини очиб бериш;

замонавий илмий матнда эмоционал- экспрессивлик мазмунининг ифода топиши илмий мулоқотнинг зарурий талабларидан бири эканлигини исботлаш;

илмий дискурсининг нутқий таъсир кўрсатиш имкониятлари ҳамда унинг усул ва вазифалари кўзланаётган прагматик мўлжал билан белгиланишини асослаш;

илмий матнда экспрессивликни ифодаловчи лисоний воситаларнинг асосий турларини ажратиш ҳамда уларнинг фаоллашиш қўлами сатҳлараро фарқ қилишини далиллаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида экспрессивлик категорияси воқеланган инглиз ва ўзбек илмий мулоқот матнлари намуналари олинган.

⁵Масалан, қаранг: Шарова В.В. Категория экспрессивности в русском языке (на фоне английского языка). Автореф. дисс.канд.филол.наук.. – СПб., 2002. – 20 с.; Нистратова С.Л. Коммуникативная направленность и стилистическая дифференциация синтаксических средств выражения адресованности речи в письменной и устной сферах коммуникации на научной теме. Автореф. дисс....канд.филол.наук. – М., 1985. – 22 с.

Тадқиқотнинг предметини илмий матн таркибида намоён бўладиган экспрессивлик мазмунининг ўзига хос жиҳатлари ва уни ифодаловчи лисоний воситалар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда таснифлаш, қиёслаш мантиқий умумлаштириш ҳамда прагмасемантик, концептуал таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

“функционал илмий услуб”, “илмий матн”, “эмоционалик”, “экспрессивлик”, “нутқий таъсир” каби дискурсив ҳодисаларнинг илмий матн шаклланиши ҳамда унинг ўқувчи томонидан идрок этилиши жараёнида намоён бўладиган мулоқотнинг коммуникатив мақсади билан боғлиқ лингвопрагматик мақоми ва матн доирасида юзага келадиган мазмуний боғлиқликни ҳосил қилувчи ўзаро муносабати аниқланган;

илмий мулоқотда экспрессивликнинг таъсир мавқеининг ошиб бориши коммуникатив-прагматик мақсад билан бир қаторда, нолисоний хусусиятдаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий омиллар билан боғлиқлиги исботланган;

бевосита ва билвосита мулоқот кечиш жараёнида воқеланадиган образлилик ва экспрессивлик ҳодисаси илмий услуб мундарижасининг асосий кўрсаткичларидан бири эканлиги далилланган;

илмий матнда экспрессивлик ифодаланишини таъминловчи луғавий, грамматик, стилистик лисоний воситаларнинг дискурсив хусусиятларининг таҳлили орқали экспрессивлик ифодаланишининг доминант воситаси синтактик сатҳ бирликлари эканлиги асосланган;

узатилаётган ахборотнинг адресат томонидан эмоционал ва интеллектуал қабул қилинишини таъминлаш учун хизмат қиладиган экспрессив ва прагматик воситалардан фойдаланиш мулоқот матни мазмуний шаклланишини таъминловчи омил сифатида замонавий илмий дискурсининг муҳим кўрсаткичларидан бири эканлиги очиқ берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олий ўқув юртларида умумий, қиёсий ва инглиз илмий мулоқот услубияти бўйича маърузалар ҳамда ихтисослашган ўқув юртларида махсус инглиз тилига ўргатиш бўйича амалий машғулотларни мукамаллаштиришда муайян аҳамиятга эга эканлиги белгилаб берилган;

илмий матнларнинг тузилиши, уларнинг нутқий таъсир кучини ошириш борасидаги хулосалар ва тавсиялар мазкур соҳада тадқиқот ишларини яратиш, дарсликлар, ўқув адабиётлар тузишга манба бўлиб хизмат қилиши асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсда ўтказилган илмий–услубий ва илмий–амалий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги журналларда чоп этилган мақолалар, хулоса, таклиф ҳамда тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти илмий матнларнинг прагматик моҳияти ва табиатини коммуникатив–дискурсив парадигма таҳлил методлари татбиқида ўрганилиши, шунингдек, экспрессивлик ҳодисасининг илмий мулоқотда бажарадиган вазифаларини кенг кўламда ёритиб бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертацияда таҳлил қилинган тил фактлари инглиз тилини ўрганаётган талабаларда расмий–профессионал ёзма мулоқот кўникмаларини шакллантиришда амалий қийматга эга эканлиги, диссертацияда таҳлилга жалб қилинган материалдан махсус инглиз тилини нофилологик йўналишлар талабаларига ўргатишга мўлжалланган ўқув адабиётларини тайёрлаш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инглиз ва ўзбек илмий матнларида экспрессивлик категориясининг воқелантирувчи тамойиллар ва лисоний воситаларнинг дискурсив ва лингвопрагматик хусусиятларини очиб бериш бўйича олинган илмий натижалар ва амалий таклифлар асосида:

лисоний бирликларининг дискурсив фаоллашуви ва матн мазмунининг экспрессив қисмини шакллантиришдаги иштирокини аниқлашга доир таклифлардан И–204-4-5 “Инглиз тили мутахассислик предметларидан ахборот–коммуникацион технологиялари асосида виртуал ресурслар яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш” инновацион лойиҳасининг виртуал ресурслар ёритишга оид қисмида фойдаланилган (Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2021 йил 16 июлдаги 1533/30.02.01-сон маълумотномаси). Натижада, ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини ошириш, инглиз тили таълими тизимини мустаҳкамлаш мақсадида яратилган ўқув усубий қўлланмалар, ўқув дастурлар тузишда янги таҳлилий методлар қўлланилган;

компьютер лингвистикасига оид матнларда эмоционал–экспрессив мазмун ифодаловчи дискурсив–прагматик омилларнинг таъсири ва уларнинг матн мазмунини шаклланишда лисоний бирликлар фаоллашувини аниқлашга оид хулосаларидан Эрасмус+ дастури 58545-EPP-1-2017-1-ES-EPPKA2-SBHE-JP CLASS: “Computational linguistics at Central Asian universities” грант лойиҳасида фойдаланилган (Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2021 йил 31 августдаги 1806/30.02.01-сон маълумотномаси). Натижада, лойиҳа доирасида матнларга ишлов берувчи дастур (NLP tool) ни ишлаб чиқишда илмий матн экспрессивлиги ҳақидаги маълумотлар базасига киритиш лойиҳа самарадорлигини ошириш ҳамда маълумотлар базасининг электрон ресурсларини шакллантиришга эришилган;

ёзма тақдимотларда илмий матннинг шакли ва услуби, тил воситаларини турли илмий услубга оид бирликлар ёрдамида шаклланадиган тизим сифатида талқин қилиш, илмий тадқиқотни бажариш жараёнида ёзма ҳисоботнинг илмий матнини шакллантиришда лексик бирликлар танлови бўйича эришилган хулосалардан Самарқанд ветеринария медицинаси институтида бажарилган КХА-9-011-2015 “Ўзбекистон шароитида йирик ва майда шохли ҳайвонларнинг ичак цестодозларини диагностика қилиш,

даволаш ва уларга қарши кураш усулларини такомиллаштириш” мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг 2021 йил 24 июндаги 6/745-сон маълумотномаси). Натижада, тақдимотлар матнида лисоний воситалар танловига оид илмий – услубий тавсиялар намуналари ишлаб чиқилган;

лисоний воситаларни мавзуга хос илмий услубга мослаштириш, илмий матнни ёзиш жараёнидаги экспрессив ифода воситаларининг таҳлил натижаларидан Самарқанд ветеринария медицинаси институтида бажарилган КХА-218-458 “Қорабайир от зотини наслини яхшилаш, озиқлантириш, кўпайтириш ва от спортига тайёрлаш технологияси” мавзусидаги лойиҳада фойдаланилган (Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг 2021 йил 24 июндаги 6/744-сон маълумотномаси). Натижада, лойиҳа асосида яратилган қўлланмалар, ёзма ҳисобот ва тақдимотларнинг матни такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та, шу жумладан, 4 та халқаро ва 3 та республика илмий–амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 та республика ва 2 таси хорижий журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг асосий қисми 142 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети белгиланган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, тадқиқот усуллари аниқланган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияси бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Илмий услубнинг асосий хусусиятлари**” тарзида номланган бўлиб, унда илмий услубнинг бошқа функционал услублар қаторида тутган ўрни аниқланиб, илмий матнларнинг эмоционал–экспрессив хусусиятларини ёритиш муаммоси муҳокама қилинган. Илмий баённинг бошқа турдаги матнлардан фарқли жиҳати, унинг қатъий мантиқийлик, умумлаштирилганлик, изчиллик ва мавҳумлаштирилганлик хусусиятларида намоён бўлиши асосланган.

Турли коммуникатив шароитда бажариладиган вазифалар ҳамда мулоқот мақсадини воқелантириш учун хизмат қиладиган тил воситалари ва

нолисоний омилларнинг вазифавий таҳлили функционал стилистиканинг объекти ҳисобланади. Функционал усуллар, тил умумий тизимининг алоҳида кўринишларда намоён бўлиши намунаси сифатида, турли мундарижага эга эканлиги кузатилади. И.В. Арнольд бадиий, оғзаки нутқ, нотиклик саънати, публицистик, расмий мулоқот ва илмий функционал услубларни фарқлайди. Олиманинг тавсифича, ушбу услублар “Тилнинг алоҳида тагтизимлари бўлиб, уларнинг ҳар бири лўғат ва фразеологияда, синтактик тузилишда, баъзан фонетикада ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Функционал услубларнинг шаклланиши ва мавжудлиги инсон фаолиятининг турли жабҳаларида амал қиладиган мулоқот шарт-шароитлари билан боғлиқ”.⁶

М.Мукаррамов ҳам функционал услубларнинг фарқлашда тил бирликларининг ижтимоий вазифасидан келиб чиқиш лозимлигини кўрсатиб ўтади. Тил бирликларининг услубларга тақсимланиши ўзига хос кўринишга эга, аммо услублараро сўз ва иборалар алмашинуви кенг тарқалган.⁷

Илмий услуб–фандаги янгиликлардан ахборот берувчи манбадир. Ушбу услубдаги манбалар турли кўриниш ва ҳажмдаги нашрлар бўлиб, берилаётган ахборотнинг адресатлари олимлар, мутахасислар, талабалар, изланувчилар ва у ёки бу илмий соҳа билан қизиқувчи ҳар қандай одам бўлиши мумкин.

Функционал услуб тадқиқи даставвал квалитатив–квантатив ҳарактерга эга бўлиши керак. Сифат ёндашуви амалиётида нутқий тузилма прагматик мезонлар (мулоқот вазияти, коммуникатив мақсад, мазмун, жанр кабилар) нуқтаи назаридан ўрганилиши билан бир қаторда, сўхбатдошларнинг ўзаро муносабати кабиларни ҳам инобатга олишни талаб қилади.

Илмий адабиётлар стилининг турлича аталиши (илм–фан тили, илмий асар услуби, илмий мулоқот тили, илмий услуб, интеллектуал нутқ тили, илмий баён услуби каби терминлар синонимик муносабатга эга) ҳамда ушбу ҳодисанинг тил тизими функционал услублари қаторига жойлаштириш масаласидаги тортишувларга қарамасдан, мазкур услубнинг алоҳида мақомга эга эканлиги ва ўзига хос сифат–сон белгилари билан бошқа функционал услублардан фарқ қилиши барча тадқиқотчилар томонидан эътироф этилган ҳақиқатдир. Инсонлар ўртасидаги мулоқотнинг турли кўриниш, мундарижада кечиши тил умумий тузилишида шу мулоқот турларига хосланган тагтизимлар шаклланиши ва ривожланишини тақозо этади. Илмий мулоқот, қандай тусда кечишидан қаътий назар, бир хил тамойилларга амал қилиниши сабабли уларнинг экстралингвистик хусусиятлари ҳам бир хилда таъсир қилиши мумкин. Демак, барча тиллар тизимида илмий мулоқотда қўлланишга мўлжалланган стилистик бўёққа эга воситалар гуруҳлари ажралади. Илмий ишларда тадқиқотчининг диққат марказида, энг аввало, билдирилаётган фикр–мулоҳазаларнинг мантиқий боғлиқлиги ва мукамаллиги туради. Ушбу мулоҳазалар якка ёки тасодифий ҳолатлардан кўра умумий ва қонуний ҳодисалар тавсифидан иборат бўлиши керак.

⁶Арнольд И.В.Стилистика современного английского языка. –М.: Просвещение, 1990. – 246 с.

⁷Мукаррамов М. Функционал стилларнинг классификацияси. - Т.: Фан, 1977.- 6 б.

Фикрий мавҳумлаштириш измидан бораётган олим ўз фикрини тизимли равишда баён қилиш йўлларини қидиради.

Буларнинг барчаси адабий тилнинг илмий функционал услуги шаклланишига олиб келди. Илмий услубнинг турли жиҳатлари В.В.Виноградов, И.Р. Гальперин, Э.Г.Ризель, М.Н. Кожина, Н.М. Разинкина, А.Н.Васильева, М.Мукарамов, Н.Маҳмудов, М.Ҳакимов каби олимлар томонидан ўрганилиб келинмоқда. Ушбу муаллифлар илмий баённинг бадиий баён услубидан фарқли томонларини ёритиш жараёнида унинг мақомини белгиловчи кўрсаткичларни ажратадилар. Бундай кўрсаткичларнинг ҳозиргача ягона тизими шакллантирилмаган бўлса–да, лекин тадқиқотчиларнинг қарийб барчаси баёндаги қаътий мантиқийлик, изчиллик, умумлаштирилганлик, мавҳумлаштириш кабилар асосий экстралингвистик белгилар эканлигини қайд этишади. Ҳар қандай нутқий услуб алоҳида бир устувор белгиси билан ажралиб туради⁸.

Бундай устуворлик, албатта, баённинг мантиқий асосланганлигида намоён бўлади. Ушбу хусусият илмий баённинг табиатида мавжуд, чунки унинг мақсади ўқувчи онгига таъсир кўрсатишдан иборат. Умуман, ҳар бир функционал услуб намунасида унинг коммуникатив вазифаси билан боғлиқ ҳолда ўзига хос кўрсаткичлар намоён бўлади. Бу сирага кирувчи хусусиятлар ва уларнинг кўрсаткичлари тил тизимида ўзига хос ифода воситалари ва уларнинг фаоллашувини назорат қилувчи меъёрлар тағтизимлари шаклланишини тақозо этади.

Маълумки, илмий матннинг бошқа услубда битилган битиклардан фарқи ҳақида сўз кетганида, тадқиқотчилар, биринчи навбатда, терминлар тизими ҳақида фикр юритишга одатланишган.

Х.Д.Палуанованинг қайдича, ”термин тизимлари аниқ фан, илмий йўналиш ёки мактабнинг категориал аппаратини акс эттиради, тушунчалар категориялари: объектлар, ҳодисалар, уларнинг алоқалари, ўзаро боғлиқликлари, хусусиятлари, белгилари, сифатлари, ҳолатларини, шахсни ифодаловчи терминларини бирлаштиради”.⁹

Экспрессивлик илмий тафаккур доирасига кирмаслиги ҳақидаги ақида тилшуносликда анча вақт мобайнида ҳуқумрон бўлиб, сўзловчининг баён қилинаётган воқеа–ҳодисага субъектив эмоционал муносабати ифодаси асосан бадиий, қисман публицистик ва сўзлашув услубларига хослиги ҳақидаги қайдларни турли илмий нашрлар ва дарсликларда учратиш одат тусига кирган эди.¹⁰

Оқибатда, экспрессивлик ҳодисаси узоқ пайт давомида бадиий ва публицистик матнлар материалида ўрганиб келинди. Илмий нашрда ишонтириш ва таъсир кўрсатиш мақсадида дастлабки ўринда мантиқий кўринишдаги воситалар қўлланиши боис, ушбу жанрдаги матнларнинг зерикарли эканлиги илгари шу мавзуда битилган ишларга ўхшаш бўлишини

⁸Ашурова Д.У. Производное слово в сфере коммуникативной теории языка. – Т.: Фан, 1991. – 98 с.

⁹ Палуанова Х.Д. Экологик терминларнинг деривацион хусусиятлари. – Т.: Фан ва технология, 2016. – Б. 23.

¹⁰Ўзбек тили лексикологияси. – Т.: Фан, 1981. – Б. 178

олдиндан ҳис этиши ва шунга кўникиши ҳақидаги ёлғон тасаввур пайдо бўлади. Шунинг билан биргаликда, бадиий ва илмий матнларининг укувчи ҳиссиёти ва руҳиятига таъсир даражасини бир поғонага кўйиш мумкин эмас. Бу ҳолат бадиий асарнинг доимий ва асосий кўрсаткичи бўлса, илмий баёнда ҳам объективлик ва субъективлик муносабатлари ўзига ҳос кўриниш олади. Бу ерда субъективликнинг ифода даражаси кучайиш ва сусайиш оралиғида намоён бўлади [қиёсланг: Разинкина 1989: 44].¹¹

Турли тилларда битилган илмий матнларда эмоционал–баҳо элементларининг фаоллашуви, биринчи навбатда, сўзлашув, адабий, расмий тагтилларига ҳос бўлган луғавий бирликлар қўлланишида кўринади. Сўзлашув ва бадиий усуллардан ўзлаштирилган луғат бирликлари илмий асар манбаси бўлган бетараф лексика билан контрастив алоқага киришиб, стилистик самара беради. Боз устига, ушбу гуруҳлардаги сўзлар кўпинча табиатан эмоционал–эксперссив бўёққа эга бўлади. Олиб борилган кузатувлар асосида сўзлашув услубига ҳос элементлардан илмий дискурсада фойдаланиш тасодифий ёки фавқулудда бажарилган фаолият натижаси бўлмасдан, балки илмий услубнинг оқилона режалаштирилган амаллар ва воситалардан фойдаланиш қоидаларининг амалиётдаги татбиқи эканлигидан дарак беради.

Илмий ахборотни узатишда тадқиқот муаллифидан кўра унинг кечиш жараёни, олинган натижалар муҳимлиги сабабли тадқиқотчининг ўзлиги, унинг “мен”и камдан кам эслатилади. Бу эса синтактик қурилмаларнинг шахссиз кўриниш олишига, мажҳул даража шаклнинг кенг миқёсда қўлланишига олиб келади. Шунингдек, инфинитив, сифатдошли конструкциялар фикр баёнига ўз таъсирини кўрсатади.

1) илмий матнда грамматик воситаларнинг турли–туман вазифаларни бажариши қуйидагиларда намоён бўлади:

а) ҳозирги замон шаклининг бетараф мазмунда қўлланиши:

б) замон, шахс ва сон кўрсаткичлари кучсиз ифодаланган феъл шаклларидан фойдаланиш (асосан инглиз тилида);

в) от туркумидаги сўзларнинг феълларга нисбатан кўпроқ ишлатилиши;

г) сифатларнинг предмет–ҳодисаларнинг доимий белги–хусусиятларини кўрсатиш учун қўлланиши;

д) инглиз тилида битилган илмий матнларда сифатдошли тузилмалар вамажҳул даража шаклидаги конструкцияларнинг фаоллиги;

The in-vitro drug release was analyzed by the use of a paddle apparatus. Drug-loaded microparticles were suspended in 500 phosphate butter [Lamprecht et al. Microsphe design...]

Ўзбек илмий нутқида мажҳул нисбат шаклининг фаоллашуви нисбатан кам миқдорда кузатилади ва шу боис, An interesting article was published in our newspaper) yesterday қабилдаги гаплар ўзбек тилига “Кеча бизнинг газетамизда қизиқ бир мақола босилди” кўринишида таржима қилинади.¹²

¹¹Разинкина М.Н. Функциональная стилистика. – М.: Высшая школа, 1989. – С. 44

¹²Сармакешева С.Г. Инглиз тилида таржиманинг грамматик асослари. Самарқанд: СамДЧТИ, 2017. – 116 б.

Бундан ташқари, илмий мулоқот матнлари ўз синтактик қурилиши билан ҳам бошқа услублардан фарқ қилади. Жумладан, инглиз илмий услубида қўшма гаплар ва бошқа турдаги мураккаб таркибли тузилмалар содда гапларга нисбатан кўпроқ учрайди. Шунингдек, ўзбек илмий матнларида иқтибосларни киритувчи ибора ва эгалик мазмунидаги тузилмалар ишлатилади. Ушбу лисоний воситаларнинг барчаси илмий баён услубининг мантқан асосли бўлишини таъминлаш билан бир қаторда, унинг эмоционал – экспрессив хусусият олишига туртки беради.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Илмий матнда эмоционаллик ва экспрессивликни шакллантирувчи омиллар”** бўлиб, унда прагматик мазмуннинг муҳим қисмлари бўлган эмотивлик ва экспрессивлик маъно бўёқларини шакллантирувчи лисоний ва нолисоний омилларнинг моҳияти ёритилган. Эмоционал–экспрессив маъно хусусиятлари илмий мулоқотда кўзланадиган далиллаш ва ишонтириш амалларининг фаоллашувида намоён бўлиши исботланган.

Бирон–бир матннинг қандайдир бўшлиқда ўз–ўзидан пайдо бўлишини тасаввур қилиш қийин, у албатта олдинги матнлар билан қандайдир бир муносабат, боғлиқликда яралади. Олдиндан айтилган ва ёзма баён қилинган фикрлар янги лисоний тузилмаларнинг шакл олиши ҳамда ижтимоий мақомга эга бўлишига имконият туғдиради. Тилда ҳаракатда бўлган луғавий birlikлар, иборалар, синтактик қурилма қолиплари, ҳис–ҳаяжонни воқелантирувчи воситаларнинг барчаси бошқа сўзловчи ва муаллифлар томонидан қачонлардир ишлатилган. Лекин уларнинг матн таркибида фаоллашув кўлами ва тартибланиш микёси ўзгача эканлиги ҳар бир матнга индивидуаллик хусусиятини бағишлаб, унинг бошқалар билан ўхшаш ва ноўхшаш жиҳатларини намоён қилади. Умуман олганда, интертекстуал боғланишсиз матнни тушуниш қийин.

Мутахассислар матнлараро боғлиқликларнинг иккита асосий турини, яъни иқтибос ва ҳаволани ажратадилар. Матнлараро алоқа воситаси бўлган иқтибосдан фойдаланилганда маълум бир асл матндан олинган парча шакллантирилаётган матн таркибидан ўрин олади. Бошқа олимлар ишларидан иқтибос келтирилаётган муаллиф фикр ифодасининг энг қулай усулини топишга ҳаракат қилади. Бунда қисқа шаклдаги иқтибосларни келтирилиши кўпинча баҳо маъносига эга бўлган сўз ва сўз бирикмалари воситасида бажарилади. Қиёсланг:

These opinions about or fragments of a concept may not imply that the concept itself is different across situations. A possible riposte is, concepts are used only in thinking and action; witt ont such differentiated “opinions” or “fragment” in the intellectual and social process concepts hardly exist [Shi Xu. Discourse and culture, 2013: 227].

В.С.Заритовский ва бошқалар усулида (1990) озуқага бўлган “озиқланиш-ҳарактерланиш” реакциясига қараб қўйларнинг маълум бир этологик тилга мансублигига аниқланган [Бобоқулов Н. Турли этологик типларга мансуб..., 24.].

Референция иқтибоснинг тўғридан–тўғри вазифаси, чунки муаллиф ўқувчига қўшимча ахборот етказиш учун бошқа матнга мурожаат қилади. Қиёсланг:

Syllogisms are of a number of different kinds, each of which has a name, given by scholastics... There are some inferences that can be made from a single premiss. From “some men are mortal” we can infer that “some mortals are men” According to Aristotle, this can also be inferred from “all men are mortal” [Russell B.A History of Western Philosophy, 1975:77].

Файласуф ўз қарашларини ўртага ташлар экан, албатта, уни фикрлашга ундовчи, у билан баҳслашувчи, баъзи фикрларни тасдиқловчи суҳбатдошга эҳтиёж сезган. У хоҳ Платон диологларидаги “ялонғоч даҳо” сингари адресати аниқ шахс (Сукрот), хоҳ ҳаёлий-абстракт суҳбатдош сифатида намоён бўлсин, ҳаммша ўзининг диолог ташкилловчилик функциясини сақлаб қолган [Бахтин М. Романда замон..., 9].

Баҳолаш вазифаси муаллифнинг келтирилаётган иқтибосга муносабатида намоён бўлади. Бошқа муаллифлар қарашларига нисбатан фикр билдирилиши илмий диолог, мунозаранинг алоҳида шаклидир. Мазкур вазифа икки мазмунда намоён бўлади: баҳо салбий бўлганда танқидий кўриниш олса, ижобий мазмун ифодаланиётганида эса муаллиф олдин билдирилган фикр, хулосани қўллаб–қувватлайди.

Матннинг ўқувчисига кўрсатилаётган таъсири икки йўналишда кечади. Биринчисида таъсир манбаси илмий матннинг мазмун–мундарижаси бўлса, иккинчисида эса–қўлланилаётган лисоний бирликлардир. Биринчи ҳолатда ўқувчи мазмунни қабул қилиш, тушунишга олдиндан тайёр. Охиргисиди ўқувчи таъсир воситасини матн таркибидан изламайди, ҳатто унинг мавжудлигини сезмасдан ҳам қолиши мумкин. Бундай таъсир ва лисоний воситаларнинг қўлланиши муаллиф режалаштирган прагматик мўлжал билан боғлиқ.

Таъсир кўрсатишнинг энг ёрқин кўринишларидан бири – хоҳиш ёки истак билдиришидир. Хоҳиш, истак, одатда, оптатив ва буйруқ шаклидаги нутқий қурилмалар воситасида билдирилади. Масалан, I call upon those who are interested in this problem to take up making of the models in the field of biosynthesis of organic phosphorus compound [BRM, p. 654] нутқий тузилмасида call upon феъли ундаш директиви маъносини беради.

Ҳар 100 кг тирик вазнга ҳисобланган қорамолларга бир суткада камида 2000-2500 УЕ А витамини бериш керак. Бундан ташқари рационни Д витамини бўйича ҳам баланслаштириши керак бўлади. [А.Нурматов ва бошқ. Чорвачилик ва асаларичиликда...,33].

Ундаш ҳаракати буйруқ беришдан ташқари, илтимос, маслаҳат бериш, хоҳиш билдириш каби босқичлардан иборат бўлади. Улардан қайси бирининг амалга ошиши қандай луғавий, синтактик воситалар фаоллашуви билан боғлиқ.

Инглиз тили тизимида буйруқ оҳангини заифлаштириш вазифасини бажарувчи луғавий ва морфосинтактик бирликларнинг турли гуруҳлари

мавжуд. Булар қаторига, жумладан, қуйидагилар киради: It is not without interest to note; I think; I believe, rather, probably, it is most likely, it is clear that, etc.

Ўзбек тилида худди шундай вазифани “назаримизда”, “фикримизча”, “ишонамизки”, “балким”, “аниқки” каби бирликлар бажаради.

Назаримизда, бу каби фанларнинг аксарияти мактабнинг юқори синф дастурларига мос келиши керак... Бу дегани, агар бу фанлар мактаб юқори синфларида ўрганилмаса, мактаб битирувчиларининг аксарияти бундай билимга эга бўлмайди [Мадартов Б. Онлайн ўқитиш нима?, 12].

Шунинг билан биргаликда, тингловчининг фикрига қабтият ила таъсир ўтказишнинг лисоний воситалари ҳам алоҳида гуруҳни ҳосил қилади.

Носоглом ҳовузлардаги сувларнинг бошқа сув ҳавзаларига қуйилишига йўл қўймаслик зарур. Ҳовузларни ёш соғлом балиқлар ҳисобига тўлдириб бориши мақсадга мувофиқ. Энг мақбул усул завод усули билан етиштирилган личинкаларидан фойдаланиш [Қурбонов Ф. Карисмон балиқлар...,31].

Директив нутқий актлари синфига кирадиган тузилмаларнинг оҳанги юмшоқлашиш ва қабтийлашуви ҳолатларининг ҳар иккаласида бир хилдаги прагматик мақсад, яъни илмий ишда баён қилинаётган фикр–мулоҳазаларнинг ишончли равишда тақдим этиш кўзланади.

Диалоглашув мақсади лисоний воқеланишида матн тузилишида қатнашувчи барча лисоний бирликлар прагматик мазмун яратувчиларга айланади. Ёзма матннинг адресати “кўринмас”, имплицит ҳарактерга эга эканлиги туфайли унинг диалогик вазифасига ишора қилувчи махсус ифода воситалари шаклланади. Илмий матн учун бу жуда муҳим, чунки уларнинг мавжудлиги матнни коммуникатив мақсадга, муаллиф режасига мос равишда тушунишга кўмак беради. Бу эса, оқибатда, экспрессивликнинг илмий услубда вазифавий жиҳатдан етакчилик қилиши мумкинлигидан дарак беради. Илмий матн прагматикаси нечук яширин бўлмасин, унинг ўқувчига таъсир қуввати камаймайди. Аксинча, айнан яширин ифода матнга объективлик характери бериб, баён қилинаётган илмий хулосага ўқувчини ишонтириш имкониятини оширади.

Илмий матннинг таъсир қуввати кўпқиррали ҳодисадир, лекин унинг асосий таркибий қисмини далиллаштириш ёки фикрни асослаш ташкил қилади. Баъзан худди шу ҳолат илмий матнни ҳиссиётсиз, риторик усуллардан ҳоли тузилмадек кўришга сабаб туғдиради. Гарчи илмий матн таъсир қувватининг пойдеровида далиллаштирувчи амаллар турса-да, асосли далил экспрессив ифодани инкор эта олмайди. Эмоционалликматннинг таъсир кўрсатиш имкониятини кенгайтиради.

Далиллаштириш жараёни самарали бўлиши учун маълум меъёрларга амал қилиш лозим: биринчидан, келтирилаётган далил тушунарли, мантиқий асосга эга бўлиши шарт, иккинчидан, у долзарб, қизиқарли бўлиш билан бир қаторда, унинг эмоционал–прагматик қиймат эгаси эканлиги кўриниб туриши керак. Қуйида келтирилаётган мисолларда далиллаштириш

мақсадида бажарилаётган нутқий актларнинг воқеликка рационал ва эмоционал баҳо беришга йўналтирилганлиги намоён бўлади:

Reduced hydration and vascularity of the dermis make the skin less elastic and more dedicate. Consequently, dryness, itching, and breakage of the skin can result from too much bathing [Eliopoulos. Gerontological nursing].

Сигирлар жуда тор молхоналарда сақланганда ва бутали, харсанг тошлар ҳамда тўнкалар кўп бўлган нотекис, ўнқир-чўнқир жойларда ўтлатилганида елиннинг лат ейиши ва жароҳатланиши, нотўғри соғиш, сутни чала соғиб олиш, елиннинг совқатиши ва ҳайвонни сифатсиз озуқалар билан боқиш натижасида ҳам маститлар пайдо бўлиши мумкин[Бойбулов Б. Соғин сигирларда учрайдиган..., 18].

Матннинг адресатга таъсир қиймати унда фаоллашаётган барча вазифаларнинг жамлама ҳосиласидир. Маълум бир матнда тилнинг қайси вазифаси етакчилик қилиши нутқий таъсирнинг қандай тури юзага келишини белгилайди. Ҳарҳолда, илмий матннинг асосий таъсир тури ишонтириш бўлиб, бундай таъсир тилнинг коммуникатив вазифаси доирасида воқеланади. Ишонтириш мақсади эса, ўз навбатида, далиллаш орқали амалга оширилади ва шу аснода ўқувчи хабар қилинаётган маълумотни тушуниб, қабул қилади.

Илмий матнда ишонтириш мақсади рационал (оқилоналик) ва эмоционал усуллар татбиқида амалга оширилиши мумкин. Албатта, илмий матн мундарижаси кўпроқ рационалликка мойил ва шунинг учун ҳам рационал баёнга асосий жой ажратилади. Ушбу усул фаоллашувида асосий эътибор билдирилаётган фикрни асословчи воситаларга қаратилса, эмоционал воситалар қаторига эса далиллаш ҳаракатини тўлдирувчи риторик амаллар киради.

Хуллас, илмий матннинг экспрессивлиги нутқий тузилманинг мазмун–мундарижаси унсурларини алоҳида таъкидлаш, эмфатик ажратиб кўрсатиш йўли билан баённинг ишончли ва аниқ бўлишига эришиш, ўқувчининг диққатини жалб қилиш, уни (диққатни) мазмуннинг муаллиф учун муҳим бўлган қисмларига тортиш ҳамда шу йўсинда маълум қилинаётган илмий фикр, ахборотни ўзлаштиришни енгиллаштириш каби вазифаларни бажаради. Экспрессивликнинг илмий матнда ифодаланиши коммуникатив характерга эга. Айтилганлардан экспрессивлик илмий матннинг асосий кўрсаткичларидан бўлиб, мавҳумлаштирилган, аниқ, мантиқий асосга эга бўлган фикрни воқелантириш учун хизмат қилиши маълум булади. Ўзбек олимаси таъкидлаганидек, “тил инсоний ҳис–туйғуларни ифодалашнинг энг самарали усулларида биридир. У шундай хусусиятга эга бўлганлиги учун ҳам ўқувчининг туйғуларини “бошқара олади”—унинг қалбида турли кечинмалар, ҳиссиётларни пайдо қилади”.¹³

Эмоция ҳар доим экспрессивликни шакллантирувчи манбага айланади, аммо экспрессив ифода ҳар доим ҳам эмоционал бўлавермайди. Демак,

¹³ Худойбергана Д. Матннинг антропоцентриқ тадқиқи. – Т.: Фан, 2013. – 13.

эмоционаллик экспресивликнинг алоҳида бўлаги ва шу умумий категория доирасида воқеланади.

Эмотив таъсир мақсадли фаолият натижаси бўлиши сабабли унинг лисоний ифодаси ҳам онгли равишда кечади. Демак, илмий матн ҳам эмотивликдан холи эмас ва унинг ифода воситалари турли кўринишларга эга. Мисол тариқасида қуйидаги матн парчаларини таҳлил қилиб кўрамиз: Congestive heart failure (CHF) and artial fibrillation (AF) have reached epidemic proportions in the U.S. Coronary heat disease remains the numbe one cause of death in the country, while stroke is the leading cause of diability for both men and women. The magnitude of these age-related conditions is expected to increase because of the burgeoning older population. Significant progress has been made in the evaluation and treatment of certain clinical risk factors for primary and secondary prevention of cardiovascular deseases. The value of echocardiography assessment of subclinical abnormalities for autcomes is not well known [Tsang et al. Prediction of Risk...].

Ҳар қандай инфекцияцион касалликлар сингари лейкоз касаллиги ҳам фақат касаллик қўзғатувчи вируснинг доимо касал ҳайвонда, ундан узлуксиз соғлом мойил ҳайвонга ўтиб туриши туфайли мавжуд. Бу вируснинг кетма-кет, янги-янги мойил соғлом молларга ўтиб туриши ва молнинг касал бўлиши билан боғлиқ бўлган жараён эпизоотик жараён ҳисобланади[Салимов Х. Қорамолларнинг лейкоз..., 22].

Ушбу матнларда таркибида стилистик бўёққа эга бўлган сўз ва сўз бирикмалари қўлланишига эътибор қаратиш керак. Ушбу турдаги лисоний бирикларнинг илмий матнда терминологик ва нейтрал услубга хос бирикмалар билан ёнма-ён қўлланиши матн прагматик мазмунига эмоционал оҳанг беради ва муаллиф идиостилининг кўрсаткичига айланади.

Илмий дискурсада тадқиқот объектлари (ҳодисалар, фактлар, жараёнлар ва ҳ.) ҳамда илмий фаолият маҳсулотлари (ғоялар, назариялар, хулосалар, фаразлар, таҳлиллар каби) баҳоланиши мумкин. Баҳонинг охирги кўринишида илмий тадқиқот натижаси унинг муҳимлиги, аҳамияти нуқтаи назаридан тавсифланади. Бунда баҳонинг лисоний воситаси ролини кўпинча стереотип иборалар, турғун бирикмалар бажаради.

Колли бактерия ва салмонелла каби ичак бактериялари қўзғатадиган касалликлар ветеринарияда ёш ҳайвонларнинг юқумли касалликлари сифатида алоҳида ўринни эгаллайди [Рўзикулов Р. Ичак бактерияларига..., 27].

Ёзма илмий матнларда қўлланган баҳо маъносидаги бирикмалар баъзан қолиплаган ибораларга айланиб қоладилар. Жумладан, He arrives at the perfectly well founded conclusion that.... [Biochemistry... 1998:370].

Баҳо мазмунидаги нутқий тузилмалар илмий матн таркибида турли коммуникатив вазифаларни бажарадилар. Ушбу вазифалардан энг асосийлари ўқувчи (тингловчи) диққатини жалб қилиш ва уни берилётган маълумот ҳақиқийлигига ишонтиришдир. Бу мақсадда ишлатиладиган

лисоний бирликлар ҳам турли структур тузилишга эга. Масалан, фразеологик бирликнинг қўлланиши фикр ифодасига экспрессивлик хусусиятини беради:

The value is not an assumption taken out of the hat [Philosophical Trans.... 192: 497].

Интранатал шикастланишни бошдан кечирган болаларни даволаш ва улардаги руҳий бузилишларнинг олдини олишда юқоридаги текширувлар маълумотлари айниқса қимматлидир [Умаргалиев. Бош мияси ..., 90].

Баҳони эксплицит ва имплицит тарзда ифодаловчи воситаларнинг турли– туманлиги унинг илмий дискурсда турли вазифалар бажариш имконияти мавжудлигидан хабар беради. Бунда, айниқса, ахборот узатиш ва ишонтириш вазифалари уйғунлашади.

Илмий адабиётларда асосан тадқиқот жараёнида эришилган натижалар муҳокамага қўйилиши сабабли баҳо мазмундаги нутқий тузилмаларни ушбу натижалар ҳақидаги бошқа фикрларни изоҳловчи тузилмалардан фарқлаш баъзан қийинчилик туғдиради. Жумладан, баҳо унсури ўхшашлик муносабатларини намоён қиладиган қиёслаш ҳаракатларида ҳам мавжуд бўлиши мумкин.

Масалан:

Our study is a natural continuation of Hamberg’s work [Philosophical Trans... 1992: 61].

Кейинги йилларда ичак инфекциялари муаммоси бутун дунё мамлакатлари санитария-эпидемиология хизмати муассасаларининг ва шу жумладан, республикамизнинг шу соҳа мутахассислари диққат-эътиборини ўзига жалб этиб берилаётган изланишлардан биридир [Ҳасанова М. Аҳолини ичак инфекциялари билан..., 76].

Ушбу тузилмада бир пайтнинг ўзида тадқиқотнинг сифати ҳақида гап бориши билан бир қаторда, у олдинги тадқиқот билан қиёсланиб, баҳоланмоқда.

Диссертациянинг учинчи боби **“Илмий матнда эмоционаллик ва экспрессивликни ифодалашнинг лисоний воситалари”** тарзида номланган бўлиб, унда илмий матнда эмоционал–экспрессив мазмунни шакллантиришда иштирок этадиган луғавий, грамматик, стилистик каби лисоний воситалар тавсифланган. Мисоллар таҳлили асосида илмий баён услубида намоён бўладиган экспрессивликни ифодаловчи воситалар қаторида синтактик тузилмалар етакчилик қилиши далилланган.

Илмий дискурсда эмоционал–баҳо луғавий бирликларининг қўлланиш кўлами торроқ ва айнан синтактик воситалар экспрессивлик майдоннинг марказидан ўрин олади. Аммо илмий нутқнинг экспрессивликка мойил синтактик курилмалари етарли даражада ўрганилмаган.

Экспрессив тузилмалар қаторига, одатда, субъектив модал маъносига эга бўлган, яъни сўзловчининг берилаётган хабарга ёки унинг маълум қисмига муносабатини ифодаловчи гаплар киритилади. Экспрессив синтактик тузилмалар тилнинг услубий меъёрларидан атайлаб чекиниш ва матнга қўшимча экспрессив– эмоционал бўёқ бериш мақсадига муқобил равишда

шакллантирилган қурилмалардир. Нутқ ҳаракатларининг прагматик самарасига йўналтирилган ушбу қурилмаларни, ҳеч қандай гумонсиз, тилнинг ифода имкониятларини намоён қилувчи экспрессив бирликлари заҳирасига киритиш мумкин.

Умумлаштирувчи мавҳумлик илмий услубнинг асосий хусусиятларидан биридир ва бу хусусият феъл шахссиз шакллари (герундия, сифатдош, инфинитив) кенг қўлланишида ва шахс олмошлари ўрнига шахси номаълум бирликларининг фаоллашувида намоён бўлади. Содда гаплар ҳам кўпинча шахси номаълум тузилмалардан иборат бўлиб, гапнинг эгаси ўрнига тўлдирувчи, ҳол ёки предикатив бўлак чиқади. Инглиз тилида ушбу позицияни шахссиз *it* унсури эгаллаши кутилган ҳолат. Ўзбек тилида жуфт предикатли гаплар баённинг олдинги қисмида эслатилган ахборотни бошқа қисмда ифодаланаётган қўшимча ахборот билан боғлаш вазифасини бажаради.

Умуман, илмий матнларда синтактик қурилмалар мураккаб структур муносабатларга эга бўладилар. Полипредикатив гаплар мазкур матнларда воқеалар кетма–кетлигини ифодалаш мақсадида қўлланилади. Қиёсланг:

It is not clear why the process should be more affective for trimethylarionium than for trimethylphosphonium because it might have been anticipated that owing to their more diffuse nature the 4d orbitals of arsenic would be less efficient in forming 2 p – 4 d bonds than would the 3d orbitals of phosphorus in similar bond – formation [Journal of the Chemical, 1998: 3875].

Юрак ритмининг бузилишлари кенг тарқалганлиги ва тўлиқ ўрганилмаганлиги сабабли болалар кардиологиясининг актуал муаммолари қаторига киради. Болаларда юрак ритми ва ўтказувчанлиги бузилишларида марказий гемодинамикани баҳолашга оид sanoқли илмий ишлар ёзилган бўлиб, бизнинг ишимиз болалардаги юрак ритми ва ўтказувчанлигининг турли бузилишларида норевматик кардитнинг ўзига хос ўрнини ўрганишга бағишланган [Мамуров Г. Болалардаги норевматик... ,36].

Кетма-кет тобелик тузилишидаги полипредикатив гаплар учун қисмларнинг ўзаро тобелашуви характерлидир. Айнан шу хусусиятли синтактик конструкциялар илмий–техник матнларнинг мундарижаси учун мос келади. Маълумки, ушбу турдаги матнларда муаллиф мўлжаллаган ахборот коммуникатив бирликларнинг тизимли бирикуви асосида узатилади.

Илмий матнда эмоционал-экспрессив мазмунни ифодаловчи синтактик воситалар функционал–семантик майдонининг марказий қисмини ундов гаплар ташкил қилади. Ундов гаплари, бир томондан, дарак–ундов шаклидаги констатив нутқий актини ифодаласа, иккинчи томондан, сўроқ–ундов шаклидаги квеситив нутқий актини ҳам ҳосил қилиши мумкин. Бу шаклдаги нутқий актларнинг иккаласи ҳам, ўқувчида қизиқиш уйғотиш, матннинг олдинги қисмида берилган маълумот асосида юзага келадиган ахборотнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш орқали мазмун экспрессивлигини қаътийлаштиришга ёрдам беради. Масалан:

Distance night put truth on a pedestal! Each incident concerning Burton has more than one version. In such a dilemma time might be more reliable in that it reveals everything, even that which was never there. And time leaves everything behind. It has many uses [Allan Sillitoe. Raw material. – L.: Pan Books, 1994: 20].

Шифокорлик амалиётида кондидозга дучор бўлган беморлар антимикотик препаратлар билан даволаниб, ижобий самарага эриша олмаган ҳоллар кам дейсизми?! [Ризаев Ж. Оғиз бўшлиғи ..., 18].

Ундов гапларнинг илмий матда қўлланиши олиб борилган тадқиқот натижаларининг муҳим қисмига ўқувчининг диққатини жалб қилиш мақсади билан боғлиқ. Бундан ташқари, муаллиф берилаётган маълумотга нисбатан эмоционал–субъектив муносабат билдирилаётганида ҳам ундов шаклига мурожаат қилинади.

Why do so many cardiologist recommend angiography as part of the investigation of HF? [Cleland V. et al. Delivering Cumulative Benefits..., p.1234].

Комплекс даво таркибига кирувчи препаратлар синергист таъсир этганда самарадорлик ошади. Аммо улар антигенлик хусусиятини намоён этса-чи? [Ризаев Ж. Оғиз бўшлиғи..., 11].

Ушбу мисолларда муаллиф матни диалогнинг яширин шаклидир, бунда у ўз ўқувчиси билан суҳбатлашаётгандек кўринади ва унинг диққатини узатилаётган ахборотга жалб қилади. Савол тузилмасининг бу тарзда қўлланиши тадқиқ қилиниши режалаштираётган муаммони шаклантиришга йўналтирилган. Бу хилдаги прагмастистик баён усули тилнинг коммуникатив табиатини акс эттиради, яъни адресат инобатга олинади. Шунга биноан биз риторик саволни илмий нутқнинг экспрессивликни яратувчи омиллари қаторига киритамиз.

